

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ЮРИДИК СОҲАСИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ДИАХРОН ТАДҚИКИ

Пўлатова Ўгилхон Собиржон қизи
Андижон давлат тиббиёт институти
Хорижий тиллар кафедраси

Аннотация: Ушбу мақолада соҳа терминларининг тараққий этишида арабча, форсий ва русча лексик бирликларнинг, инглиз тили мисолида эса лотин, француз, грек, испан, италиан тилига оид лексик бирликларнинг соҳа эҳтиёжи сифатида ишлатилиши, ўтмишда ёндош ва қўшни тилларнинг таъсири катта бўлганлигидан ўрганилиб чиқилган.

Калит сўзлар: давр, термин, лексика, соҳа

Ҳозирги кунда терминологияга оид тадқиқотларни тубдан ўрганиш мамлакатимиз ва хорижий тилшуносликда ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда. Бу инсон ҳаётини яхшилаш ва унинг учун эркин ижтимоий муҳит яратиш асосида юридик муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур соҳа ривожи фан ва техника, ижтимоий-иқтисодий соҳалар билан узвий боғлиқ эканлиги, унинг кўлами кенгайиши, яъни соҳанинг ахборот ҳажмининг ортиши натижасида терминологик лексиканинг тобора кенгайиб бориш жараёни билан изоҳланади ва бу нафақат соҳага оид терминларни илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш эҳтиёжини ҳам юзага келтирди. Ушбу параграфда юридик соҳасига доир терминларни тарихий - тадрижий босқичларда таҳлилга тортишни жоиз деб билдик.

Марказий Осиё ҳалқлари узоқ тарихга бўлиб эрамиздан аввалги 1 мингинчи йилларда бу ўлкада, *сак* (юон манбаларида “скиф”)лар деб номланган ҳалқлар хаёт кечиришган. Марказий Осиё Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) томонидан босиб олингач, бу ерда юон ва маҳаллий ҳалқларнинг қориши давлатлари вужудга келди. Бунинг натижасижа ҳалқларимиз ҳаёти, афсоналари ҳақидаги маълумотлар қадимги юон муваллифларининг асарларига кириб борди. Масалан, Климент Александрский, Ксенофонт, Страбон, Птоломей, Геродот асарларида қадимги ҳалқларимиздаги турли маданий-маънавий қадриятлар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди. Эрамиздан аввалги V—VI асрлар ушбу ҳудудларда йирик динлардан бири Зардуштийлик дини шаклана бошлади. Ушбу дин факат соф дингина бўлиб қолмасдан ўз даври маънавиятининг энг муҳим йўналишини ташкил қилди, ўша даврдаги ҳалқларнинг маданияти, маънавияти, урф-одати, аҳлоқи каби масалаларни ўзида акс эттириди ва уларга таъсир ҳам кўрсатди. Манбаларда қайд этилишича,

зардуштийликнинг асосий қоидалари Хоразмда вужудга келган “Авесто”да китобида ўз ифодасини топган. Ушбу асара дастлаб меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқий ва ахлоқий қоидаларини ўзида акс эттирган, афсуски кейинчалик руҳонийлар қўлида сиёsat юргизишнинг асосий қуролига айланиб қолди¹.

Вақт ўтиши билан заминимизда дунё цивилизацияга улкан ҳисса қўшган буюк мутафакир ва донишмандлар етишиб чиққан. VIII–IX асрлардаёқ Хоразм ҳудудида “Байту ал-ҳикма” (Донишмандлар уйи) деб аталмиш фанлар академияси, орадан бироз вақт ўтиб, 1010 йилда Маъмун академияси ташкил этилган. Ушбу таълим марказида бутун дунё аҳлини лол қолдирган буюк қашфиётлар қилинганд².

Ўзбек тили юридик соҳасига оид лексик бирликлар ўзида мужассам этган тарихий манбаларга разм солсак, соҳа лексик бирликларининг қўлланиши Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк”, Аҳмад Юғнакийнинг “Хиббат ул-Ҳақойик”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, шайх Сулаймон Бухорийнинг “Бадў-ъл-ул лугат”, Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳайрат ул-аброр”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” ва бошқа кўпгина мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топган. Ушбу асарларда соҳа қўламида амалга оширилган ишлар ёки лексик бирликлар ҳақида қўплаб қимматли маълумотлар мавжуд, бироқ уларни тақдимотида чалкашликлар мавжудлиги боис тадқиқотчилар томонидан турли муаммоларга дуч келинганд.

Шунга кўра, ўз ишимизда тарихий манбаларни тартибга солиш учун, инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларини чоғишиштирма тадқики устида илмий изланишлар олиб борган олим Х.А. Саримсоков келтирган тадрижий тарихий даврлар жадвали асосида ҳавола қилишни жоиз деб билди³ (Жадвал 2).

Жадвал 2

Юридик соҳасига оид лексик бирликларнинг тарихий даврлари

1.	Халқ оғзаки ижоди даври (ёзма адабиётларгача бўлган давр)
2.	Араб истилоси даври (632-1258 й.й.)
3.	Қораҳонийлар даври (999-1141 й.й.)
4.	Мўғуллар истилоси даври (1220-1368 й.й.)
5.	Темурийлар даври (1370-1512 й.й.)
6.	Хонликлар даври (1512-1920 й.й.)
7.	Чор Россияси ва собиқ шўролар даври (1870-1991 й.й.)

¹ Усмонов Қ., Содиков М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I - қисм. - Т.: 2002. - Б. 356.

² Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти, Ўзбекистон НМИУ. - Т.: 2010. - Б 264.

³ Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғишиштирма тадқики: Филол. фан. д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – 12 б.

Тадқиқотимизни юқоридаги даврлар асосида ўзбек ва бошқа туркий олимлар ёзиб қолдирған ҳамда бизгача етиб келган миллий мерослар, манбаларга мурожаат этдик.

Халқ оғзаки ижоди даври. Тарихга разм солсак, Кичик Осиёда яшаган шумер, аккад, хурит, хетт, оссурий каби тилларда сўзлашган энг қадимги халқлар орасида бугунги туркийларнинг аждодлари яшаган⁴. Ўша даврлардан кўплаб моддий ва маънавий мерослар бизгача, қадимги афсона ва асотирлар (“Ардвисура Анахта ҳақида”, “Жамшид ҳақида”), қадимги қаҳрамонлик эпослари (“Тўмарис”, “Широқ”) ҳақида оғиздан-оғизга ўтиб келган тарихий, маданий ва маънавий мерослар орқали етиб келган. Халқимиз томонидан доимо ардоқда бўлган Алпомиш достонида ҳам юридик соҳасига доир кўплаб терминларни учратиш мумкин. Масалан асарнинг ўттиз иккинчи саҳифасида соҳага доир бир нечта лексик бирликларни қузатишимизмумкин:

Қайси юртдан бунда кепти, билайн,
Ул бойларга қаттиқ **азоб** қиласин,
Молини сизларга олиб берайин,
Гуноҳкор қип мен зинданга солайн.
Ҳар на деб сўйласам, ани қилинглар.⁵

Тахлил учун достондан келтирилган парчада учраган *азоб* - жазо; *молини сизларга олиб берайин* - молини мусодара қилмоқ; *гуноҳкор* - айбор; *зиндан* - жазо ўташ жойи каби соҳа лексик бирликлари қўлланган. Бундан ташқари мазкур маънавий меросимизда бир қанча, жумладан: *абгор* - вайрон; *зулм* - жиноий ҳукм; *жаллод* - қатлни ижро этувчи шахс; *бойламоқ* - кишиланламоқ; *дор* - қатл анжоми каби терминлар бизгача етиб келган.

Бу каби достонларимиз сони кўплиги, уларда ранг-баранг мавзулар ва соҳалага доир лексик бирликларнинг аслиягини сақлаган ҳолда бизгача етиб келиши бебаҳо бойлиқдир. Шундай бадиий меросларимиздан яна бири Гўрўғли достонидир.

Жазойил милтиқ отилсин,
Ботирлар бирига **қотилсин**⁶.

Достондан берилган парчада *жазойил* - жазо берувчи; *милтиқ* - жазо амалга оширувчи қуроли; *қотил* - жиноятчи каби терминлар берилган. Бундан ташқари достонда бир қанча юридик соҳасига доир архаик (эскирган) лексик бирликларни топишга муваффақ бўлдик. Масалан, *жарм* - гуноҳ, жиноят; *мин*

⁴ Бобоёров М. Ҳ. Мустақиллик даври жисмоний тарбия ва спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Самарқанд, 2009. – 22 б.

⁵ Фозил Йўлдош ўғли, Алпомиш достони, Шарқ: -Тошкент. 1998, 94 б.

⁶ Рахматулла Ю., Гурўглининг туғилиши.- Т.: Ёзувчи, 1996.-134 б.

- айб, айблов; таррор - ўгри, жиноятычи; улги - намуна, нусха каби лексик бирликлар фикримиз далилидир.

Араб истилоси даври. Маҳаллий халқ билан бўлиб ўтган аёвсиз жанглардан сўнг, араблар ўз хукмронлигининг илк даврларида бошқарув ўз қўлларига олишга ҳаракат қилган, ҳокимият қўлга киритилгач иқтисод, фикҳ ва сиёsat каби соҳаларга эътибор қаратишган. Юридик соҳаси ҳам араблар давридан бошлаб тараққий эта бошлаган ва бу тизимнинг тубдан ўзгаришии VII-VIII асрларга тўғри келди. Араблар фатҳидан сўнг, ислом дини худуд ахолиси ҳаётининг барча жабҳаларини, ички ва ташқи савдо муносабатларини қамраб олди.

Араб истилоси даврида юридик соҳаси дин таъсирида жуда катта инқилобий жараённи босиб ўтган. Жамиятнинг сиёsat, иқтисод каби йирик ва ҳар қайси кичик бўғинида муқаддас китоб бўлмиш “Куръони карим” асосида фатволар, қарорлар ва хатто жазо ва унинг турлари амалга оширилган. Мазкур ҳуқуқий жараён Фикҳ илми деб аталган. Бу соҳанинг бир қанча таърифи мавжуд, лекин биз соҳага энг яқин таъриф беришга ҳаракат қилдик, жумладан, **фикҳ** - ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида учрайдиган турли масалалар ҳусусида баҳс юритиб бу масалаларга нисбатан шаръиатнинг тутган ўрнини белгилаб берувчи илм⁷. Маълумотлар ва манбалар кўп бўлишига қарамай, юртимиз худудида XIII асрга келиб, соҳага доир илк асар яратилди. Бу китобнинг муаллифи имом Фахриддин Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий Фарғоний Ҳанафий асар номи “Фатавои Қозихон”⁸. Мазкур асарда илк соҳа лексик бирликлари кузатилган. Масалан, **қози** -мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарув-чи, судья, шаръий маҳкама раиси; **фатво** - ҳукмни ўз далилидан баён қилиб бериш; **муфтий** - шаръий ҳукмларнинг барчасини билган кишиидир, ҳукм - муайян асосга, далила эга чиқарилган холоса.

Қорахонийлар даври. Ушбу даврда турк халқининг буюк алломаси Маҳмуд Қошғарий ижод қилган бўлиб, олимнинг “Девони луғатут турк” асари ҳанузгача тилшуносларнинг тадқиқот марказида ҳисобланади. Ушбу асар хижрий 464, милодий 1068 йили ёзилган. Асар XII аср ўша даврда ўғуз, уйғур, қипчоқ, чигил, қарлуқ каби 37 уруғ бирлашмаларига кирган туркий тилларнинг фонетик, лексик, грамматик каби лисоний ҳусусиятлари тадқиқи баён этилган. Асарда кўплаб ўналишларга доир лексик бирликлар мавжуд. Жумладан соҳа лексик бирликлари ҳам.

⁷Каримов Т. Фикҳ нима? // muslim.uz. 2017. <http://www.muslim.uz/index.php/rukn/fiqh/item>

⁸Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф, Фикхий ўналишлар ва китоблар. Hilol-nashr нашриёти. - Т.:2022. 312 б.

فَرْغَةٌ - *qïzgut* (қизгут) - намунали жазо (боиқалар ибрат олиши учун халынинг күз ўнгига бериладиган жазо.); زنخش – *rabčat* (рабжат) - мажбурий иши, жарима; سزكىر - *serkär* (серкар) - йүлтүсар, ўзри, жиноятчи; بخسق - *boxsuq* (бўхсук) - асиirlар ва жиноятчилар бўйнига солинадиган темир занжир, кишин; النج – *ilänč* (иланч) - айб, айблов; توناڭ - *tünäk* (тунак) - зиндон, қамоқхона; كنكش – *kejäš* (кенгаш) - ишларни кенгаш, муҳокама қилиши каби мисоллар⁹.

Бундан ташқари асарда доир иборалар ҳам берилган, жумладан, *Atasï ačiğ almila yesä, oğlıňji tüsü qamar* - “Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар”¹⁰. Бу мақол маъноси: ота қилган жиноят, у ўлса-да, болага иснод келтиради, деган маънода қўлланади. *Kej ton opramas, kejäšlig bilig artamas*¹¹. Маъноси: “Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди”. Бу мақол ишларни бажаришда бошқалар билан кенгашиб, ўзбошимчалик қилмасликка ундан айтилади. Таҳлилларимиз орқали олим яшаган замонда ҳам юридик соҳасига доир лексик бирликлар мавжуд бўлган.

Хуноса. Тил – ўзгарувчан ижтимоий ҳодиса. Ҳар бир тилнинг ўзигагина хос деривацион имконият ва захиралари мавжуд, бироқ ҳар бир қиёсланаётган тилнинг ички ва ташқи омиллар ҳисобига тараққий этиши деярли бир хил. Барча тилларда юридик соҳасига доир терминологик тизимнинг шаклланишида турли-туман қонуниятлар мавжуд. Ҳар бир тилда шаклланиш ўзининг маҳсулдор, фаол ва каммаҳсул, нофаол бўлган сўз ясаш усуслари орқали ҳосил қилинади.

Тилшунослик манбаларида кузатилгани каби, юридик соҳасида ҳам терминларнинг пайдо бўлишида, табиий ва сунъий, ички ва ташқи омиллар асосида ривожланишида давлат, ундаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий миқёсдаги ўзгаришлар муҳим ўрин тутади. Бундай даврларда ўзбек тилида мавжуд соҳа терминларининг тараққий этишида арабча, форсий ва русча лексик бирликларнинг, инглиз тили мисолида эса лотин, француз, грек, испан, италиан тилига оид лексик бирликларнинг соҳа эҳтиёжи сифатида ишлатилиши, ўтмишда ёндош ва қўшни тилларнинг таъсири катта бўлганлигидан далолатdir.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

- 1.Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I - қисм. -Т.: 2002. - Б. 356.

⁹ Кошгари М. Девони лугатит турк. – Т.: Фофур Ғулом, 2017. – 489б.

¹⁰ Кошгари М. Девони лугатит турк. – Т.: Фофур Ғулом, 2017. - 307 б.

¹¹ Кошгари М. Девони лугатит турк. – Т.: Фофур Ғулом, 2017. - 448 б.

2. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти, Ўзбекистон НМИУ. -Т.: 2010. - Б 264.
3. Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиши тадқиқи: Филол. фан. д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – 12 б.
4. Бобоёров М. Ҳ. Мустақиллик даври жисмоний тарбия ва спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Самарқанд, 2009. – 22 б.
5. Фозил Йўлдош ўғли, Алпомиши достони, Шарқ: -Тошкент. 1998, 94 б.
6. Рахматулла Ю., Гурӯглининг тутилиши.- Т.: Ёзувчи, 1996.-134 б.
7. Каримов Т. Фиқҳ нима? // muslim.uz. 2017.
<http://www.muslim.uz/index.php/rukn/fiqh/item>
8. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, Фиқҳий йўналишлар ва китоблар. Hilol-nashr нашриёти. -Т.:2022. 312 б.
9. Кошғарий М. Девони лугатит турк. – Т.: Ғофур Ғулом, 2017. – 489б.